



## УСЛУБИЙ ИЖРОЧИЛИК МАКТАБИНИ ЯРАТГАН СОЗАНДА-ИЖРОЧИЛАР, ЗАМОНАВИЙ ИЖОДКОРЛИК НАМУНАЛАРИНИ АМАЛИЙ ИЖРОЧИЛИКДА ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАСИ

Абдуллаев Шохруҳ Бердимуродович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

“Чолғу ижрочилиги” кафедраси уқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7519986>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 09<sup>th</sup> January 2023

Online: 10<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Қашқар рубоб, муסיқа  
мероси, санъаткор-устоз.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада рубоб ижрочилиги, шу билан бирга  
Муҳаммадjon Мирзаев ва Тоҳир Ражабийларнинг  
ижодий фаолияти, маҳорат қирралари, созандалик  
тамоийлари ҳақида сўз боради.*

Марқазий Осиё қадим-қадимлардан юксак маданияг ўчоги, илм-фан ривож топган замин сифатида маълум ва машҳур бўлиб келган. Бу заминдан етишиб чиккан буюк олимлар меъморшунослик, ва барча санъат турлари билан боглик санъатшунослик илмларига улкан ҳисса қўшиб қелишган.

Ўлмас мумтоз муסיқий хазинамиз, халқимиз орасида профессионал ва ҳаваскор созандалар томонидан доимо ижро этиб келинмоқда. Асрлар оша устозлардан - шогирдларга, авлодлардан - авлодларга ўтиб, мукаммаллашиб, бойитилиб, бизнинг давримизгача яшаб қелди ва халқимизнинг бебаҳо мўлқига айланди.

Оҳангдор куйларимиз кишига қувонч, бахш этади. У инсоннинг ҳис - туйғуларини ифодалаб берувчи кучга эгадир. Куйларимизни талқин этишда Ўзбек халқининг маънавий ва миллий бойлиги хисобланган тамбур, дутор, най, чанг, ғижжақ, қонун, уд, рубоб каби миллий чолғулари мавжуд. Бу чолғулар ҳар қандай қалбларни ўзига ром эта олади.

Хусусан, ўзбек созандачилик санъатида кўп чолғулар қатори қашқар рубоби алоҳида ўрин тутди. Бу чолғу ўзининг жарангдорлиги ва инсон қалбига яқинлиги, ўрганиш ҳамда ижро этиш жиҳатидан ижро амалиётида синалган ва бир мунча кўлайлиги билан халқимизнинг севимли чолғуларидан бирига айланган.

Қашқар рубобининг шу ҳолатга келишида ва кенг оммаллашида беқиёс ҳисса қўшган санъаткор-ўстоз Муҳаммадjon Мирзаевдир. Дастлаб, чолғу танбурга ўхшаган бойлам пардалардан иборат бўлиб етти товуш қаторга эга бўлган. М. Мирзаев Уста Усмон Зуфаров билан биргаликда чолғуни такомиллаштириш устида иш олиб боришади ва чолғу дастасидаги бойлам пардалар мис пардаларга, етти товушқаторга эга пардалар эса ўн икки пардали товушқаторга ўзгартирилади. Натижада чолғунинг ижро имкониятлари кенгайди, овози жарангдор ва ёқимли, техник ҳамда ижро жиҳатидан қулай чолғу сифатида амалиётга кириб келади. Қашқар рубобининг халқ чолғусига айланишида устоз Муҳаммадjon Мирзаевнинг хизматлари беқиёсдир. У қашқар рубоби ижрочилигида узига хос ижро услубини яратди ва ижрочилик



амалиётини халққа намойиш этишга эришди. М. Мирзаев аввалига якканавозликда, кейинчалик ўғли Шавкат Мирзаев билан биргаликда ижро этиб, мусиқа шинавандаларини узига ром этади. Қашқар рубоби айнан М. Мирзаев ижролари орқали ўзбек халқининг ҳар бир хонадонига кириб келди ва ўзбек халқ чолғусига айланди.

Рубоб чолғусининг оммалашишида ва халқнинг севимли чолғулари қаторига кириб келишида М. Мирзаевнинг бастакорлик фаолияти ҳам тахсинга сазовордир. Унинг “Гулноз”, “Интизор этма”, “Дилдор”, “Роҳат”, “Жонон”, “Завқим келур”, “Дилбар”, “Гулбахор ва Тановор”, “Орзу дил”, “Дилрабо”, “Гилос”, “Тонг” каби асарлари қашқар рубоби репертуарини бойитибгина қолмай чолғу ижрочилигининг ривожланишига, ижро имкониятларининг кенгайишига, ижрочилик маданиятининг шаклланишига ва юксалишига, қашқар рубоби ижроялигида янги ижро имкониятлари очилишига сабаб бўлди. Унинг яратган асарлари чолғу ижрочилигига мослиги билан ажралиб туради. Масалан “Роҳат” куйини оладиган бўлсак бу асар қашқар рубоб, дутор, чанг чолғуларида қолаверса созандалар ансамбли ижросида ҳам уз жозибасини йўқотмаган.

Ўзининг бастакорлик ижодини Фарғона-Тошкент ирочилик анъаналари асосида ашула жанрида ҳам оригинал асарлар яратишга эришди. У яратган ашулалар ҳалигача мавқеини сақлаб қолди ва етук ҳофизлар томонидан ижро этилмоқда. “Якка бу Фарғонада”, “Суратинг”, “Ёлғиз”, “Айрилмасун” каби асарлари шулар жумласидандир.

Халқимизнинг маънавиятини ва маданиятини акс эттирадиган бетакрор асарлар, куй ва кўшиқлар яратган ижодкор сифатида ҳозирги ва келажак авлод бастакорлари учун ибрат бўлади.

Муҳаммаджон Мирзаев қашқар рубоби ижрочилиги мактаби ҳамда чолғу ижрочилигидаги ёрқин услуб асосчиси сифатида тарихда қолди.

Машхур устоз рубобчи созандаларимиз Муҳаммаджон Мирзаев, Эргаш Шукуруллаев, Аббос Бахромов, Ари Бобохонов. Сулаймон Тахалов, Кобилжон Усмонов, Адҳам Худойкулов, Ҳамидулла Нурматов ва Рифатилла Косимовлар қашқар рубоби сози тарғиботига катта хисса қушдилар. Ушбу буюк созандаларимиз каторида ўзининг ёрқин ижро услуби, ўзгача оханги билан ажойиб куйларимизни халқимиз қалбига мухрланишида бебаҳо хизмат қилган устазода созанда, ўзининг салкам ярим асрлик сермахсул ижодий фаолияти давомида ўзбек мусиқа маданияти тараккиётида, ижрочилик санъатининг ривожланишида салмоқли хисса қушиб келаятган серқирра ижодкорлардан бири, ажойиб созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси Фаҳрий профессори Тохир Ражабийдир.

Тохир Ражабий ўзбек созандачилик санъатини кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам тарғиб қилиш бахтига муяссар бўлган санъаткордир. У Польша, Венгрия, Чехославакия, Германия, Белгия, Ироқ, Испания, Норвегия каби жуда кўп хорижий мамлакатларда концерт сафарларида бўлиб, яккахон созанда ва ансамбл жамоаси таркибида чолғучи сифатида иштирок этиб, мусиқа ихлосмандларига ўзбек миллий мусиқа санъатини намойиш этди.

У Ражабийлар сулоласи анъанасини муносиб давом эттирган ҳолда, унинг созандачилик фаолияти хофизлик санъати билан бойиб борди. Халқимизга дилрабо кўшиқлар тухфа этиш ниятида магнит тасмаларига ёзилган “Гиря”, “Баёт I - II” ,



“Ушшоқ”, “Қашқарчаи Ушшоқ”, “Чапандози қаландар”. “Сарпарда”, “Насруллои”, “Кучабоғи I - II” каби бир катор ўзига хос оҳангларда ижро этилган ёзувлари мавжуд.

Тоҳир Ражабийни қашқар рубобида ижро этилган куйлари 150 дан ортиқ, эстрада оркестри жўрлигида жаҳон ва Шарқ куйлари 30 дан ортиқ, классик мумтоз кўшиқлари 20 дан ошиқ бўлиб, Ўзбекистон радиосининг олтин фондига мухрланган.

Тоҳир Ражабий иктидори туфайли самараларга эришиб, бу борада ижрочи санъаткорлар вакилларига намуна бўла олди. У нафақат маком куйларидан намуналарни балки, айти пайтда бошқа халқлар куйларини ҳам ўзига хос жозиба ва миллий руҳда талқин этиб келмоқда.

### References:

1. А.Фитрат. “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи”. Тошкент. Фан. 1993.
2. Р.Косимов. “Анъанавий рубоб ижрочилиги”. Тошкент - 1999 й.
3. Р.Косимов. “Уд”. Тошкент-2002 й.
4. Р.Юнусов. “Фахриддин Содиков”. Тошкент-2005 й.
5. О.Матёкубов. “Макомот”. Тошкент-2004 й.
6. С.Маннопов . “Сунмас наволар”. Фаргона - 2004 й.